



Бутун умрингиз давомида орзунгизга интилинг ва вақтингизни беҳуда сарламанг. Чунки ҳавога учган вақт сиздаги барча яхши нарсаларни тортиб олади.

Афлотун

2020 йил 2 июль • пайшанба • № 72 (4357)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



1 июлдан нималар ўзгарди?

- Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш тартиби соддаштирилади.
Кўп қаватли биноларни қурувчи ташкилотларга боғжона имтиёзлари берилди.
Тошкент шаҳар ДХМда фуқаролар учун медиатор хизмати жорий этилади.
Кўп квартирали уй-жойларни қуриш жараёнида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий бошқарув тизими жорий этилади.
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг маошига қўшимча устама берилди.
Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартиби бекор қилинади.
Жавобгарлик белгиловчи ҳуқуқий нормалар фақатгина қонунлар билан ўрнатилади.
Давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинади.
Қурилиш соҳасида назорат инспекциясига қўшимча ваколат берилди.
Дори воситаларига нисбатан референт нарх шакллантириш тизими жорий этилади.
Барча тузуруқни қабул қилиш муассасаларида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастури юритилади.
Шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритилади.
Лойиха-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади.
Хусусий музейлар, бадий галерейлар ва хунармандчилик марказларига солиқ имтиёзлари берилди.



Ёшлиқ шижоати – Ватан тараққиёти учун

Муносабат

Президентимизнинг Ёшлар кўни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригини катта ҳаяжон ва қизиқиш билан ўқидим.
Унда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда аزمи шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.
Бу жараёни мамлакатимиздаги энг катта нодавлат ташкилот – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ёшлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

2 июль – «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонун қабул қилинган кун



Бахтим тўмори

Гул водийлар узра нур сочар қуёш,
Саккиз бурчагингда хурлик тимсоли.
Тоғлар, дарёлар ва бугдойзор акси,
Озодлик тимсоли, бахтнинг тимсоли.
Хумо қуши қанотида ниятлар,
Яшил, кумуш, олтин рангда, оқ рангда.
Донишманд эл дилидаги ҳикматлар,
Яшил, кумуш, олтин рангда, оқ рангда.
Зарҳалланган ҳошияси бир мағрур,
Қалбимизга монанд рангда, оқ рангда.
Эрксеварлик рамзи ҳамда бахт рамзи,
Яшил рангда, кумуш рангда, оқ рангда.
Эй, бахтлири баҳорларга монандим
Йиллар кечди қара ранг – совуқ рангда.
Гербимизнинг ишораси зафарлар,
Яшил рангда, кумуш рангда, оқ рангда.
Бараканинг исмин айтар бошоқлар,
Ёрқин рангда, тонг каби порлоқ рангда.
Ҳалолликни ушлаб пахта чаноқлар
Кумуш рангда, оппоқ рангда, оқ рангда.
Ўзбекистон, йўлларинг нури бўлсин,
Олтин рангда, кумуш рангда, оқ рангда.
Давлатимнинг герби – менинг тўморим,
Осмон рангда, тонг каби порлоқ рангда.
Зулфия МҮМИНОВА, шоира

«Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов «Марказий Осиё – АҚШ» («С5+1») видеоконференциясида иштирок этди.



Жиззах вилояти, Фориш тумани маркази Боғдон шаҳарчасида «Мақалла» жамғармаси туман бўлимининг биноси реконструкция қилиниб, «Мақалла маркази»га айлантирилди.



Ўзбекистон ва Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 7 июлда қарийб 15 йиллик танаффусдан кейин ушбу ташкилотга аъзо бўлиш бўйича қўшма ишчи гуруҳ мажлисини бошлайди. Учрашувлар пандемия туфайли ҳозирча видеоконференция форматида бўлиб ўтади.



«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals», Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) ўртасида умумий қиймати 25 миллион долларга тенг бўлган кредит битимини имзолаш маросими видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.



Бизнес-омбудсман бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлар «Фаргона тадбиркорлари – ислохотчи» тажрибаси доирасида вилоятда тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ўрганмоқда.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент вилояти Бор бўл, оқибат! Санъаткорнинг сардобаликларга совғаси
Таниқли санъаткор Озода Нурсаидова Сардоба фожиасидан жабрланган 5 та оилага Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги кўп қаватли уйлардан совға қилди. 4 та 3 хонали уй кўп болали, 1 та 2 хонали хонадон эса ёш оилага тўхфа этилди.
Ўтган йили бу кўп қаватли уйларни бир тадбиркор укамиз билан яхши ниятларда олгандик, – дейди Озода Нурсаидова. – Ушбу хонадонларнинг 5 тасини яхшилик йўлида тўхфа этдик.
Тумандаги «Эйвалек» МФЙ раиси Ҳамида Эшбоеванинг таъкидлашича, Сардобадан кўчиб келган аёллар учун тижув цехида, эркакларга эса бетон ишлаб чиқариш заводиди иш ўринлари ҳозирланган.
Маданият вазирилик матбуот хизмати


Андижон вилояти БОШ ПРОКУРАТУРА, ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ВА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!
«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» – ўртада «бегона» йўқ
Бир муддат илгари давлат раҳбари қурилиш тизимидаги муаммолар таҳлилга бағишланган йилда худудлардаги барча қурилишлар ягона буюртмачи хизмати ташкилотларига топшириб қўйилгани кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатаётганини кескин танқид қилди. Бош прокурор эса шу йил 11-май кунини Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида 2019 йилги қурилишларда 75 миллиард сўмлик ўғриклар аниқлангани хусусида маълумот берди. Ай-тишмоқдаки, бундай оғриқли жиҳатларнинг асосий омили тизимнинг очик ва шаффоф эмаслигида. Мазкур сатрлар орқали жамоатчиликка ҳавола этилаётган муаммонинг илдизи ҳам айна шу масалага туташ.
Аввалига Олот ва Қорақўлдаги воқеликлар, кейин эса Сардоба фожиаси сабаб қурилиш тизимидаги муаммолар хусусида гапирмаган одам қолмади ҳисоб. Муҳокамаларда эътирозларнинг энг каттаси соҳадаги коррупция ва сифат масаласига қаратилганлиги сир эмас.

Карантинда ишлаётганларга эътибор қандай?

Катта бўшлиқ оқибатлари
Давлат таълим стандартлари қанчалик оқилонга тузилган?

Ёшлиқ шижоати – Ватан тараққиёти учун

Ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-мехнат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касба уюшмалари фаолиятини янги ёндашув асосида амалга оширишда. Касба уюшмалари Федерацияси ва Ёшлар иттифоқи ўртасида Англашув Меморандуми имзолангани, ёшлар билан ишлаш фаолиятини янада кучайтириш мақсадида касба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар бирлашмаси ташкил этилгани бунинг яққол исботидир.



Ёшлар бирлашмаси раисига Федерация раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси мақоми берилиб, у Федерация Кенгаши ва Кенгаш Раёсати аъзоллигига киритилди. Тармоқ ҳудудий бирлашмаларида раис маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Бошланғич ташкилотларда Ёшлар билан ишлаш комиссиялари расилари жамоатчилик асосида иш юритмоқда.

Касба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари билан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёшлар ўртасида онлайн очик мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ижтимоий ҳимоя

га муҳтож, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Касба уюшмалари стипендияси» жорий этилди. 2018-2019 ўқув йилида Касба уюшмалари Федерацияси 9 нафар талабанинг шартнома пулини тўлаш учун 121 миллион 491 минг 440 сўм ажратди.

Юртимизда уч йилда 2 минг 668 та ёш оилага уй-жой учун

121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фозисиз қайтариш шарт билан давлат ҳисобидан тўлаб берилгани ҳам ёшларга бўлган эътибор намунаси. Бундан ташқари, «Ёшлар – келажгимиз» дастури, «Ҳар бир ёшга – бир гектар» каби лойиҳалар доирасида 227 минг нафарга яқин

ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир ҳунармандлар иқтисодий ётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда.


«Ёшлар – келажгимиз» дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7 минг 775 та бизнес лойиҳасига 1 триллион 635 милли-

ард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилгани эътиборга молик.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳудудларда 27 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг-марказлари ҳамда 157 та «Ёшлар меҳнат гузари» фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ёш ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

Шу билан бирга, «Ҳар бир ёшга – бир гектар» лойиҳаси бўйича барча ҳудудларда 65 минг нафарга яқин ёш деҳқонларга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилди.

Мухтасар айтганда, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Жумладан, биз, ёшларга кўрсатилган навбатдаги эътибор ва ғамхўрликлардан миннатдормиз. Ёшликка хос ғайрат-шижоатимизни шу азиз Ватанимиз рағнақи йўлида сафарбар эътиборимиз!



Раҳматилла ҚОРАБОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Самарқанд вилояти

Лоқайдлик қимматга тушмасин...

Айни чоғда биргина Самарқанд вилоятида 380 та ижтимоий соҳа, 251 та инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Кўриб турибдики, пандемия шароитида ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Хўш, қурувчиларга хавфсиз, нафолатланган иш ва яшаш шароити яратиш борасидаги аҳвол қандай?

Ақсар қурилиш корхоналарида ишлар карантин талаблари даражасида ташкил этилаётгани, инсон омилиги бўлган эътиборнинг кучайгани айни ҳақиқат. Лекин мавжуд тартибларни тўлиқ бажаришга ҳафса қилмаётганлар, меҳнаткашлар саломатлигига хавф туғилиши ҳолатларини юзага келтираётганлар, афсуски, оз бўлса-да бор.

Иштихон туманида қурилиш ишларини бажараётган «Баҳром қурилиш ашё» корхонаси фаолиятида ана шундай камчиликларга йўл қўйган. Ташкилотнинг 12 нафар қурувчиси туман ДСНЭМ вакцина сақлаш омборхонаси қурилишини поёнига етказишмоқда. Бу ерда ходимларга яратилган иш шароити ўрганилганда барча ходимлар шахсий гигиена воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлангани маълум бўлди. Аммо қурувчилар яшаётган вақтинчалик бошпана бундан кун талабларига жавоб бермайди. Ходимлар «ибтидоий» шароитда истиқомат қилмоқда. Боз устига, қурилиш объектига кириш эшигига хавфсизлик туннели ҳам ўрнатилмаган. Худди шундай ҳолатни Самарқанд шаҳрида қурилиш ишлари билан шуғулланаётган «Толиб бобо» МЧЖ, Қўшробот туманидаги «Бўстон» ХСИЧФ фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Шахсий гигиенага шароит яратилмас экан, хавфсиз меҳнат ҳақида гапириш ортиқча эмасми?

Қурилиш мутасаддиларининг бундай лоқайдлик қимматга тушмаслигига кафолат йўқ. Пандемия шароити иш берувчилар зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Улар ходимлар саломатлиги учун ўзларида жавобгарлик ҳиссини туймоғи шарт. Корхона истиқболини ўйлаган мутасадди оддий, ҳаётини ана шу қоридани ўзларига шиор қилиб олса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти ташкилотларининг бирлашган касба уюшма қўмитаси раиси

Жамоатчилик назорати



Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти ташкилотларининг бирлашган касба уюшма қўмитаси раиси

Халқимизда «иссиқ жон иситмасиз бўлмас», деган гап бор. Бу ҳаётда ҳеч ким фавқуллодда касал бўлишдан, тоби қочиб қолишдан кафолатланган эмас, деган соддагина мазмунни ифода қилади. Албатта, бетоблик жон ғамидан ташқари, ҳар қимнинг ҳаётида, турмушида ҳам ноқулайлик туғдиради. Бундай ҳолатлар ҳар биримизнинг бошимиздан ўтган. Масалан, ишдаги узлишлар булар ичда энг жиддийларидан биридир. Негаки, ишдан қолиш маошга таъсир қилади. Бироқ, қонунчилигимизга кўра, бетоблиги сабаб ишга чиқмаган ходим меҳнат интизомини бузган ҳисобланмайди ва унга иш берувчи томонидан интизомий чора кўрилмайди. Фақат меҳнатга лаёқатсизлигини шифокордан расмийлаштириб, керакли ҳужжатни тақдим этса, бас. Гапнинг ўзани шу томон бурилган экан, келинг, шу ҳақда олий тоифали умумий амалиёт шифокори Дилфуза ОЧИЛОВА билан суҳбатлашамиз.

– Аввало, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳақида гаплашсак...

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома Меҳнат Кодекси ҳамда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси олиш мумкин бўлган бир қатор ҳолатлар санаб ўтилади. Улардан бири ходимнинг касаллиги ва шикастлангани юзасидан маълум вақт ишга чиқолмаслиги сабабидир.

– Бу қандай аниқланади?

– Ишчи ходим соғлиғидаги муаммо юзасидан шифокорга мурожаат қилса ва шифокор беморни кўздан кечириб, бир неча кун ишга бормаслигини тавсия этса, шу санадан эътиборан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тузилади. Ташхис клиник ва объектив маълумотлар (шикоятлар, ҳолат) ҳамда лаборатор-инструментал текширувлар натижалари билан тасдиқланади. Текширув учун кетган кун ҳам меҳнатга лаёқатсиз вақт ҳисобланади. Борди-ю, бемор тунги вақтда тиббий пунктдаги фельдшерга мурожаат қилса, унга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилгани тўғрисида маълумотнома берилади.

– Касаллик варақаси қанча вақтгача узайтирилиши мумкин?

– Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик беш календар кунидан ошганда ҳужжатнинг мuddати даволовчи шифокор



ва бўлим мудирини тарафидан ҳар сафар ўн календар кундан ортиқ бўлмаган мuddатга узайтирилади.

Ишдан ажралмаган ҳолда ўқийётган ёш ўқувчилар билан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси олиш ҳуқуқига эгами?

– Агар бемор 14 ёшдан катта бўлса ва амбулатория шароитида даволанса, етти календар кунигача бўлган мuddатда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси

мехнатга лаёқатсизлик варақаси олиш ҳуқуқига эгами? – Агар бемор 14 ёшдан катта бўлса ва амбулатория шароитида даволанса, етти календар кунигача бўлган мuddатда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси

узлуксиз кечганда икки ойгача, танафус билан кечганда ўн икки ой мобайнида жами уч ойгача бўлган мuddатга берилади.

– Дам олаётган ходим ҳам меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланиши мумкинми?

– Ходим айни пайтда касал бўлмаса-да, умумий саломатлигини ях-

берилиши мумкин. Бола 14 ёшга етмаган бўлса, 14 календар кунигача ишдан озод этилади. Кичик ёшдаги бола-ларнинг бир нечаси бир вақтда ёки кетма-кет касал бўлиб қолса, уларнинг онаси (ёки она ўрнини босувчи шахс) га ҳар бири учун алоҳида ишга чиқмаслик имконияти берилади. Уч ёшга тўлмаган болани стационар даволашга тўғри келса, унга қаровчи да-

Мутахассис маслаҳати

– Меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олиш бепулми?

– Ҳа, бепул. Бланкаларни тайёрлашга зарур бўлган ҳаражатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобида қопланади.

– Нафақа тўланадими?

– Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси серия ва рақамга эга бўлиб, унга варақанинг нечанчи марта берилаётгани ва бериш санаси, беморнинг исми-шарифи, туғилган йили, иш жойи, дастлабки ва якуний ташхислар, шифокорнинг исми-шарифи ёзилади. Шундан сўнг ишдан озод этилган кунлар ва ишга тушадиган сана қайд этилади. Варақанинг орқа бети ходимнинг иш жойида кадрлар бўлими ва бухгалтерия, зарур бўлганда ижтимоий суғурта вакили тарафидан тўлдирилади. Унда узлуксиз иш стажини ва иш ҳақи тўғрисида маълумотлар ўрин олган бўлиб, ходимга меҳнатга лаёқатсизлик кунлари учун иш ҳақининг маълум физи микдориди нафақа тўланади.

Баъзилар касал бўлишига қарамай ишга қатнашни қўймайди. Ишхонадаги вазифалар ҳақида қайғурадую, саломатлиги ҳақида ўйлашни унутиб қўяди. Аслида, бу фидоийлик эмас. Касбини сезувчи инсон фақат соғлом вужуд билангина ақлий ва жисмоний меҳнат унумдорлигига эришиш мумкинлигини англайди. Агар ходим турли юқумли касалликлардан бирига чалинган бўлса, ўз вақтида даволанмай ишга чиққани сабаб бошқа ходимларга ҳам дахл кўрсатади. Ушбу омилларни тушунган раҳбар соғлиғи ёмонлашган ходим учун керакли шароитни яратиши беради, меҳнатга лаёқатсизликни баҳона, деб қабул қилмайди.

Суҳбатдош: Дурдона АЛИМОВА

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» – ўртада «бегона» йўқ

41

2018 йили Асака туманидаги 42-мактаб биноси «Обод қишлоқ» дастурига тушди. Мукамал таъмирлаш юмушлари учун маҳаллий бюджетдан оз эмас, нақд 1 миллиард 383 миллион сўм маблағ ажратилган бўлди. Биласиз, бундай катта лойиҳа пудратчига шунчаки қўшқўллаб тутқазиб қўйилмади. Бунинг учун «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси эълон қилган тендерда қатнашиб, қатор чигирликлардан ўтқоқ, бошқа талабгорлардан устун эканини исботламоқ даркор.

Назарда тутилган танловда байроқ андижонлик Муҳаммаджон Нейматов етакчилик қилган «Экин-тикинлик қурувчи» масъулияти чекланган жамиятида кетди. 2018 йил 25 июнь куни икки ўртада шартнома тузилди, уч кундан сўнг пудратчининг ҳисоб рақамига буюртмачи томонидан 207 миллион 450 минг сўм бунак пули ўтказиб берилди ва ишлар бошланди.



соломовлар ўртасида гап қолади. Мажоррога О Абдусаломовнинг оғайниларидан бири аралашиб, О. Нейматовга тан жароҳати етказилади...

Пудратчининг фаолиятига буюртмачи компаниянинг техник назоратчиси қолиб, унинг ўғли ҳам «бурун суқиб» асабларни эгваллаб турса, камига МЧЖ иши юритувчисига қўл кўтаришгача боришса, ишлаб бўладими бундай шароитда? Албатта, йўқ. Даҳанани жанжаллар оқибати каттароқ кўнгилсизларга сабаб бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди ахир.

Боз устига, ички ишлар бўлимининг профилактика инспекторлари «Тез ёрдам» ёки ўт ўчириш гуруҳи каби муаммога тезкор нукта қўя олмайдики, то айбдор ким-у жабрдайда кимлигига аниқлик киритилиб, ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилгунча вақт сўвдай оқиб кетади. Муҳаммаджон Нейматов техник назоратчи, унинг ўғли ва ҳамтовлоқлари иштирокида юзага келган мажоррога нукта қўйилмагунча ишда на унум, на ҳаловат бўлиши аниқлаб этиб, қўл остидаги усталарга топшириқ қилди: «Игитлар, икки-уч кун қурилиш тўхтатиб турамиз!»

Узи эса уч кун давомига адвокат ёллаб, ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга шикоят битди.

«Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ раҳбарининг бу қарори буюртмачи учун айни мудабо бўлди: «ана, объектни ташлаб чиқиб кетгани» Режа хамирдан қил суғургандек осон кетганидан фойдаланиб, қурилиш жараёнини келган жойидан давом эттириш учун мактабга «Монолит строй локс» МЧЖ қурувчилари кириштириб қўйилди.

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ ўртасида тузилган шартнома судда бекор қилинмай туриб, қиймати 1 миллиард сўмдан зиёд лойиҳанинг ҳеч қандай ҳужжат-битимсиз, яшин тезлигида бошқа фирмага қўш-қўллаб тутқазилганлиги сирин ҳадемай аён бўлди. «Салоҳиятли пудратчи» дея эътироф этилган «Монолит строй локс» МЧЖ буюртмачига бегона эмас – техник назоратчи лавозимида ишловчи Фулом Шароповнинг ўғли Ойбек Абдусаломовга тегишли экан! Қўйилмасми?

М. Нейматов томонидан олиб борилаётган қурилиш жараёнига техник назоратчи ҳамда унинг ўғли тўхтовсиз халақит бериб, ишнинг белгилари сабабини тушундирганми?

Юқорида компания «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖни судга бергани ҳақида сўз қолганда. Яқун нима бўлди, дейётгандирсиз? Андижон туманлараро иқтисодий судида (судья Ҳ. Мамарасулов) компания келтирган даъволарнинг таги пучлиги исботлаб қўйилди. Суд (2018 йил 31 октябрь) ўртада тузилган пудрат шартномасини бекор қилиш талабини қўриб қолдириди. Шу билан бирга, даъвоининг

асосий қарз (компания томонидан қурувчига ўтказилган бунак пули назарда тутилган) ҳамда 30 миллион 394 минг сўм пеня ундириш талабини қаноатлантириш рад этилди. Мазкур ҳал қилув қарори кейинчалик апелляция босқичида кучда қолдирилди.

Бу вақтда эса компания раҳбари-ю назоратчиси мурод-мақсадига етишган, қурилиш жараёни ўзларига дахлдор фирма томонидан ноқонуний равишда қўнига етказилиб, бюджетдан ажратилган маблағлар аллақачон ўлаштириб бўлинган. Бироқ сўз бораётган лойиҳага йўналтирилган пул миллиард сўм устида – эртага «ков-ков» қилинса, оқибати яхшиликка олиб келмаслиги тайин – нима қилиб бўлса ҳам шартнома билан расмийлаштириш зарур. Шартнома эса битта – «Экин-тикинлик қурувчи» билан тузилган.

Шу сабаб буюртмачи мазкур пудрат ташкилоти устидан тагин Андижон туманлараро иқтисодий судига даъво киритди: «... жавобгар билан 2018 йил 25 июнда тузилган пудрат шартномасини мuddатидан олдин бекор қилишини сўраймиз».

Мазкур даъво 2018 йил 13 декабрь куни судья Ш. Мирзаев раислигида ўтган суд мажлисида қаноатлантирилди. Кейинчалик апелляция ҳайъати аъзолари ҳам (2019 йил 26 февраль) ҳаммасининг қарорини маъқуллашди. Нега?

Ҳал қилув қарориди қайд этилишича, жавобгар Муҳаммаджон Нейматов мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама бош тортиб, 2018 йил 17 июлда қурилиш объектини ташлаб чиқиб кетгани давом эттиришди. Қарор мазмуни шунки, «ўртада шартнома бекор қилинганлиги, демек, техник назоратчи сенга ҳар қанча халақит берса-да, объектдан кетмаслигинг керак эди».

Тўғри, шартнома бугунгача кучида эди. М. Нейматов объектдан чиқиб кетгани (шунга мажбур бўлгани) ҳам рост. Аммо техник назоратчига қўшилиб ўғли ҳам объектни кириб, ғалава чиқариб, ишларни кун бермагани-чи? Нейматовнинг ўрнига ота-бола қурувчилар объектга кириб олгани-чи? Ахир, компания раҳбарияти «муруват» кўрсатмаса, бундай хатти-ҳаракатга ким ҳам журъат қила оларди?!

Бу масалалар энди иқтисодий судда қўриладиган маззу эмас: ички ишлар идоралари ва прокуратура...

Савол туғилиши мумкин: М. Нейматов судда ютқазиб, шартномаси бекор қилинибди, буни билдик, мактаб ҳам аллақачон битиб кетган, ҳадеб қовлайвермасдан, ўтган ишга савалот, деб қўйса бўлмайди? Югургани билан нимага эришадиган?

Бир қарашда саволда мантиқ бордай: қурувчи нимани хохлаётди? Гап шундаки, Муҳаммаджон Нейматов гарчи 2018 йил 17 июль куни объектни ташлаб чиқиб кетган бўлса-да, айни санага қадар – 20

кундан зиёд қўл остида элликка яқин уста-қурувчиларни ишлатган. Уларнинг иш ҳақи эса, юқоридаги мажорролар сабаб, шу кунга қадар «туя гушти еб» этибди. Айтишга осон, аммо эллик кишининг салкам бир ойлик ўртача иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиб қўринг...

Дарвоқе, «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ билан тузилган шартномани бекор қилиш юзасидан қўрилган низо (2018 йил 13 декабрь) судья Шояббек Мирзаевни ҳам мутаассир қилган чоғи, шу кунгич Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, танлов комиссияси раиси Иброҳимжон Холматовга «хой, сал у ёқ-бу ёққа қаранглор-ей!» деган мазмунда тақдирнома йўллади.

Жумладан, суд раиси танловга тайёргарлик кўриш, ҳужжатларни расмийлаштириш, техник назоратни таъминлаш борасида жуда кўп хато-камчиликлар қўзғатилганлиги қайд этилиб, айни масалада ҳокимлик томонидан барча тадбиркорларга тенг имконият яратиб берилмаётганлигини пинҳанда қилади.

Чинданам таажжубли-да: зикр этилаётган лойиҳа компания томонидан гўёки элнинг кўзи олдида «мана, қўриб қўйинглор, биз пудратчиларни шаффофлик асосида аниқлаймиз», дея танловнинг ҳақиқий ғолибига берилган бўлса-да, мутасаддиларда «Экин-тикинлик қурувчи»ни бурчакка қисиб, майдондан сиқиб чиқариш бўйича «сценарий» аввал-бошданок тайёрлангани сезилиб турибди.

Такрор айтмай: буюртмачи қурувчига шартномани пеш қилиб, июнь (!) ойда 434 миллион сўмлик иш бажаришинг керак эди, деб ёқасидан олапти. Ҳолбуки, шартнома 25 июнда (!) имзоланган. Бунак пули эса қурувчининг ҳисоб рақамига 28 июнь (!) куни ўтказилган. Қурилишга рухсатнома эса 11 июль (!) куни берилган. Сўнгра «бос-ҳа, бос!» дея пудратчининг бошида қамчи ўйнатиб, «эпилмадинг!» деган ғалава билан объект қурилиш иши-жимида ўзларига қарашли қорхонага туҳфа қилинган. Бу сценарий бўлмай, нима? Тазна-ю маломатларимиз асосид бўлса, айтин!

Аммо прокуратура ва суд органларида айни ҳолатга ҳолис баҳо берадиган қонун пешволари, топилса, қани? Муҳаммаджон Нейматов «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда «Монолит строй локс» МЧЖ мутасаддиларининг хатти-ҳаракатлари устидан, икки йилдирки, ҳуқуқ идораларига тинимсиз эътият. Жавоблар бир хил: «жиноят аломатлари топилмади!»

Айни ҳолат, таъбир жоиз бўлса, нўноқ шишфорок юрак хасталигига ошқозон оғриги деб ташхис қўйгандек гап.

Негаки, масала юзасидан асосий эътибор техник назоратчи ҳамда пудратчининг ўғиллари ўртасида юзага келган даҳанани жанга қаратилганлиги, энг муҳим масала – шартнома асосида қурилиш олиб бораётган тадбиркорни қўнға қувишга бош қўшиб, унинг ўрнига «тайёр ошга бақовула» бўлганлар, бунга «фатво» берган компания мутасаддиларининг ҳеч йўғи «бурига чертиб қўйиш» бирор кимнинг хаёлига келмаётти.

Гап маҳаллий бюджетдан ажратилган миллиардлаб маблағлар устида бораётган экан, уни тасарруф қилаётган хусусий қорхона раҳбарини отаси давлат номидан назорат қилиши қайси мантиққа тўғри келади?

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг давлат манфаатлари билан шахсий манфаатларини аралаштириб юборган мутасаддиларининг жавобгарлик масаласи ҳал этилиши ўрнига нега сувдан қуруқ чиқарилапти?

Бу баки саволларга асосли жавоб топилди, зикр этилган ҳолатлар қонун қаричи билан ўлчанмагунча мақолага нукта қўймай турамиз чоғи...

Нурилло НУЪМОҲОВ, «ISHONCH»

«Ishonch»да чоп этилгач...



Муаммолар бартараф этилмоқда

«Ишонч» газетасининг «Бир манзилда 24 дорихона... аммо излаганни топши душвор» сарлавҳали мақоласи юзасидан расмий муносабат

Бир манзилда 24 дорихона... Аммо излаганни топши душвор

Гулистон шаҳрининг Н.Зокиров номидаги кўчасида нақ 24 та дорихона кетма-кет жойлашган. Дорихоналар дори воситалари билан таъминлаш ҳолатини яхшилаш, аҳоли томонидан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил қилинган дорихоналар Гулистон шаҳрининг бошқа ҳудудларига нисбатан бирмунча зич жойлашган. Бугунги кунда, Марказий деҳқон бозори бошқа ҳудудга қўйилганлиги, шунингдек Республикада коронавирус тарқалишини олдини олиш мақсадида қарантин чоралари қўлланилганлиги сабабли Бунёдкор кўчасида вақтинчалик транспорт воситалари ва фуқаролар ҳаракати чекланган. Карантин даврида 60-70% дорихоналар фаолият юритмаганлиги ва қолганларнинг фа-

оли-вақтинча сусайиши сабабли дори воситалари савдоси ҳамнинг пасайиши кузатилади. Дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида сақлаш шароитларини талаб қилмайдиган маҳсулотлар сирасига киришини эътиборга олган ҳолда, шунингдек савдо ҳажмининг камайиши натижасида дорихоналардаги дори воситалари асортименти сезилиб даражада камайишига олиб келган.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти, хусусан, Гулистон шаҳрининг Бунёдкор (собиқ Н.Зокиров) кўчасида 24 та дорихона кетма-кет жойлашган, аммо уларда баъзида оддий дори ҳам топилмаслиги, дорихоналар маҳсулот хилма-хиллигига ҳам эътибор қаратиши лозимлиги эътиборга олиниши сезилиб келган.

Шунингдек, мақолада келтириб ўтилган ўлчов воситалари бўлган қон босими ўлчаётган воситаси – тонометр, тана ҳароратини ўлчовчи – термометр, ҳамда «варикоз» касаллигига фойдаланиш учун мўлажалланган болгалар, дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати (рўйхат рақами 2846-сон 06.12.2016)да назарда тутилмаган.

Аммо аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳолатини яхшилаш, аҳоли томонидан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил қилинган дорихоналар Гулистон шаҳрининг бошқа ҳудудларига нисбатан бирмунча зич жойлашган. Бугунги кунда, Марказий деҳқон бозори бошқа ҳудудга қўйилганлиги, шунингдек Республикада коронавирус тарқалишини олдини олиш мақсадида қарантин чоралари қўлланилганлиги сабабли Бунёдкор кўчасида вақтинчалик транспорт воситалари ва фуқаролар ҳаракати чекланган.

Карантин даврида 60-70% дорихоналар фаолият юритмаганлиги ва қолганларнинг фа-

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Матбуот хизмати

Хал қилув қарориди қайд этилишича, жавобгар Муҳаммаджон Нейматов мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама бош тортиб 2018 йил 17 июлда қурилиш объектини ташлаб чиқиб кетгани давом эттирмади. Қарор мазмуни шунки, «ўртада шартнома бекор қилинганлиги, демек, техник назоратчи сенга ҳар қанча халақит берса-да, объектдан кетмаслигинг керак эди».

Хабар оҳанги табиийки, қурувчига ёқмади: ўзи ҳисобимизга ойнаётган охирида пул ўтказилган бўлса... Тўрт кун ичида 434 миллион сўмлик иш бажариб бўлмаслиги ноҳақлик аён-ку! Ижро-чида мuddат ва сифат талаб қилишни билган раҳбар аввал шарт-шароит яратиб, мажбуриятларини тўла-тўқис адо этсин, ана ундан кейин гаплашайлик, ҳўпми?

Буюртмачининг саломига жавобан қурувчининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши, боз устига, бундай «бетаноспарлигидан» компания раҳбарини Муҳаммаджон Қодиров «Сеними, шомшай тур!» Бир адабининг бермасамми!» деб кўнглига тутқан бўлса, ажабмас. Чунки «Ягона буюртмачи хизмати» мутасаддиларининг кейинги барча сай-ҳаракатлари қурувчи шариот яратилиб, таъмир жараёнини тезлатиш эмас, балки нима қилиб бўлса-да, Муҳаммаджон Нейматовни объектдан четлаштиришга қаратилди-да!

Аваллига қурувчи судга берилди. Судда «дело»нинг бир уринишдаёқ «сениши» эҳтимоли катта эканини даъвогарнинг ўзи ҳам олдиндан сезиб-билиб турарди. Чунки объектда қурилиш-таъмирлаш жараёни тўхтамаганди-да. Шунга қарамай, буюртмачи то даъво иш юритишга қабул қилиниб, дастлабки суд мажлиси тайинлангунча қадар пудратчининг «ер тишлатадиган» далиллар йиғишга киришди. Энг асосий «далил»ни эса компания техник назоратчиси Фулом Шаропов яратиб берди гўё.

Яъниким, Фулом Шаропов мактабга «ётволиб» қурувчиларнинг ҳар бир ишини пешма-пеш ғалибдан ўтказётган кунларнинг бирида унинг ўғли Ойбек Абдусаломов ҳам айни масалада отасига «ёрдамлашиб» юборди. Бир гап ўзи етмагандай, объектга тўрт-беш нафар ҳамтовлоқларини ҳам бошлаб келди. Табиийки, ташқаридан бегона одамларнинг қурувчиларнинг ишига аралашishi пудратчи қорхона раҳбариятига ҳам, ишчиларига ҳам ёқмади. Пудратчининг ўғли (айни вақтда «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ иши юритувчиси) Олимхон Нейматов ҳамда Ойбек Абду-

лишини тўхтатиб турамиз!»

Узи эса уч кун давомига адвокат ёллаб, ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга шикоят битди.

«Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ раҳбарининг бу қарори буюртмачи учун айни мудабо бўлди: «ана, объектни ташлаб чиқиб кетгани» Режа хамирдан қил суғургандек осон кетганидан фойдаланиб, қурилиш жараёнини келган жойидан давом эттириш учун мактабга «Монолит строй локс» МЧЖ қурувчилари кириштириб қўйилди.

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ ўртасида тузилган шартнома судда бекор қилинмай туриб, қиймати 1 миллиард сўмдан зиёд лойиҳанинг ҳеч қандай ҳужжат-битимсиз, яшин тезлигида бошқа фирмага қўш-қўллаб тутқазилганлиги сирин ҳадемай аён бўлди. «Салоҳиятли пудратчи» дея эътироф этилган «Монолит строй локс» МЧЖ буюртмачига бегона эмас – техник назоратчи лавозимида ишловчи Фулом Шароповнинг ўғли Ойбек Абдусаломовга тегишли экан! Қўйилмасми?

М. Нейматов томонидан олиб борилаётган қурилиш жараёнига техник назоратчи ҳамда унинг ўғли тўхтовсиз халақит бериб, ишнинг белгилари сабабини тушундирганми?

Юқорида компания «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖни судга бергани ҳақида сўз қолганда. Яқун нима бўлди, дейётгандирсиз? Андижон туманлараро иқтисодий судида (судья Ҳ. Мамарасулов) компания келтирган даъволарнинг таги пучлиги исботлаб қўйилди. Суд (2018 йил 31 октябрь) ўртада тузилган пудрат шартномасини бекор қилиш талабини қўриб қолдириди. Шу билан бирга, даъвоининг

асосий қарз (компания томонидан қурувчига ўтказилган бунак пули назарда тутилган) ҳамда 30 миллион 394 минг сўм пеня ундириш талабини қаноатлантириш рад этилди. Мазкур ҳал қилув қарори кейинчалик апелляция босқичида кучда қолдирилди.

Бу вақтда эса компания раҳбари-ю назоратчиси мурод-мақсадига етишган, қурилиш жараёни ўзларига дахлдор фирма томонидан ноқонуний равишда қўнига етказилиб, бюджетдан ажратилган маблағлар аллақачон ўлаштириб бўлинган. Бироқ сўз бораётган лойиҳага йўналтирилган пул миллиард сўм устида – эртага «ков-ков» қилинса, оқибати яхшиликка олиб келмаслиги тайин – нима қилиб бўлса ҳам шартнома билан расмийлаштириш зарур. Шартнома эса битта – «Экин-тикинлик қурувчи» билан тузилган.

Шу сабаб буюртмачи мазкур пудрат ташкилоти устидан тагин Андижон туманлараро иқтисодий судига даъво киритди: «... жавобгар билан 2018 йил 25 июнда тузилган пудрат шартномасини мuddатидан олдин бекор қилишини сўраймиз».

Мазкур даъво 2018 йил 13 декабрь куни судья Ш. Мирзаев раислигида ўтган суд мажлисида қаноатлантирилди. Кейинчалик апелляция ҳайъати аъзолари ҳам (2019 йил 26 февраль) ҳаммасининг қарорини маъқуллашди. Нега?

Ҳал қилув қарориди қайд этилишича, жавобгар Муҳаммаджон Нейматов мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама бош тортиб, 2018 йил 17 июлда қурилиш объектини ташлаб чиқиб кетгани давом эттиришди. Қарор мазмуни шунки, «ўртада шартнома бекор қилинганлиги, демек, техник назоратчи сенга ҳар қанча халақит берса-да, объектдан кетмаслигинг керак эди».

Тўғри, шартнома бугунгача кучида эди. М. Нейматов объектдан чиқиб кетгани (шунга мажбур бўлгани) ҳам рост. Аммо техник назоратчига қўшилиб ўғли ҳам объектни кириб, ғалава чиқариб, ишларни кун бермагани-чи? Нейматовнинг ўрнига ота-бола қурувчилар объектга кириб олгани-чи? Ахир, компания раҳбарияти «муруват» кўрсатмаса, бундай хатти-ҳаракатга ким ҳам журъат қила оларди?!

Бу масалалар энди иқтисодий судда қўриладиган маззу эмас: ички ишлар идоралари ва прокуратура...

Савол туғилиши мумкин: М. Нейматов судда ютқазиб, шартномаси бекор қилинибди, буни билдик, мактаб ҳам аллақачон битиб кетган, ҳадеб қовлайвермасдан, ўтган ишга савалот, деб қўйса бўлмайди? Югургани билан нимага эришадиган?

Бир қарашда саволда мантиқ бордай: қурувчи нимани хохлаётди? Гап шундаки, Муҳаммаджон Нейматов гарчи 2018 йил 17 июль куни объектни ташлаб чиқиб кетган бўлса-да, айни санага қадар – 20

кундан зиёд қўл остида элликка яқин уста-қурувчиларни ишлатган. Уларнинг иш ҳақи эса, юқоридаги мажорролар сабаб, шу кунга қадар «туя гушти еб» этибди. Айтишга осон, аммо эллик кишининг салкам бир ойлик ўртача иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиб қўринг...

Дарвоқе, «Экин-тикинлик қурувчи» МЧЖ билан тузилган шартномани бекор қилиш юзасидан қўрилган низо (2018 йил 13 декабрь) судья Шояббек Мирзаевни ҳам мутаассир қилган чоғи, шу кунгич Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, танлов комиссияси раиси Иброҳимжон Холматовга «хой, сал у ёқ-бу ёққа қаранглор-ей!» деган мазмунда тақдирнома йўллади.

Жумладан, суд раиси танловга тайёргарлик кўриш, ҳужжатларни расмийлаштириш, техник назоратни таъминлаш борасида жуда кўп хато-камчиликлар қўзғатилганлиги қайд этилиб, айни масалада ҳокимлик томонидан барча тадбиркорларга тенг имконият яратиб берилмаётганлигини пинҳанда қилади.

Чинданам таажжубли-да: зикр этилаётган лойиҳа компания томонидан гўёки элнинг кўзи олдида «мана, қўриб қўйинглор, биз пудратчиларни шаффофлик асосида аниқлаймиз», дея танловнинг ҳақиқий ғолибига берилган бўлса-да, мутасаддиларда «Экин-тикинлик қурувчи»ни бурчакка қисиб, майдондан сиқиб чиқариш бўйича «сценарий» аввал-бошданок тайёрлангани сезилиб турибди.

Такрор айтмай: буюртмачи қурувчига шартномани пеш қилиб, июнь (!) ойда 434 миллион сўмлик иш бажаришинг керак эди, деб ёқасидан олапти. Ҳолбуки, шартнома 25 июнда (!) имзоланган. Бунак пули эса қурувчининг ҳисоб рақамига 28 июнь (!) куни ўтказилган. Қурилишга рухсатнома эса 11 июль (!) куни берилган. Сўнгра «бос-ҳа, бос!» дея пудратчининг бошида қамчи ўйнатиб, «эпилмадинг!» деган ғалава билан объект қурилиш иши-жимида ўзларига қарашли қорхонага туҳфа қилинган. Бу сценарий бўлмай, нима? Тазна-ю маломатларимиз асосид бўлса, айтин!

Аммо прокуратура ва суд органларида айни ҳолатга ҳолис баҳо берадиган қонун пешволари, топилса, қани? Муҳаммаджон Нейматов «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда «Монолит строй локс» МЧЖ мутасаддиларининг хатти-ҳаракатлари устидан, икки йилдирки, ҳуқуқ идораларига тинимсиз эътият. Жавоблар бир хил: «жиноят аломатлари топилмади!»

Айни ҳолат, таъбир жоиз бўлса, нўноқ шишфорок юрак хасталигига ошқозон оғриги деб ташхис қўйгандек гап.

Негаки, масала юзасидан асосий эътибор техник назоратчи ҳамда пудратчининг ўғиллари ўртасида юзага келган даҳанани жанга қаратилганлиги, энг муҳим масала – шартнома асосида қурилиш олиб бораётган тадбиркорни қўнға қувишга бош қўшиб, унинг ўрнига «тайёр ошга бақовула» бўлганлар, бунга «фатво» берган компания мутасаддиларининг ҳеч йўғи «бурига чертиб қўйиш» бирор кимнинг хаёлига келмаётти.

Гап маҳаллий бюджетдан ажратилган миллиардлаб маблағлар устида бораётган экан, уни тасарруф қилаётган хусусий қорхона раҳбарини отаси давлат номидан назорат қилиши қайси мантиққа тўғри келади?

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг давлат манфаатлари билан шахсий манфаатларини аралаштириб юборган мутасаддиларининг жавобгарлик масаласи ҳал этилиши ўрнига нега сувдан қуруқ чиқарилапти?

Бу баки саволларга асосли жавоб топилди, зикр этилган ҳолатлар қонун қаричи билан ўлчанмагунча ма

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

ёхуд тиббиётдаги айрим муаммолар ҳақида мулоҳазалар

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган муаммолар етарли. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, умумий амалиёт шифокорининг оилавий шифокор даражасига етмагани долзарблигига қолмоқда.



Хўш, нима учун умумий амалиёт шифокорлари билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топмади? Нега ҳеч қайси умумий амалиёт шифокори давлат стандартлари талаби даражасида ишлаш олмади? Умуман, соғлиқни сақлаш соҳасидаги жиддий камчиликлар, илдиш отган коррупция ва қариндош-уруғчилик нималарга олиб келди?

1995 йилда тиббиётимизнинг бирламчи бўлини бўлган болалар, ўсимирлар ва катталар поликлиникаларининг барчасини, диспансерларнинг эса кўпчилигини тугатиш, уларнинг ўрнига 2 йил ичда умумий оилавий поликлиникалар ташкил этиш бошланди. Аммо бу жараёнда жамоатчилик ва мутахассислар фикри ҳамда мавжуд муаммолар ҳисобга олинмади, зарур моддий база яратилмади, босқичма-босқич ўтиш учун илмий-амалий режа ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил таътиб этилмади. Мазкур йўл билан соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган харажатларни қисқа вақт ичда камайтириш кўзда тутилган бўлса-да, бўшаб қолган тиббиёт бинолари ва уларнинг ерларини ўзлаштириш, сотиш ишлари авж олди.

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзидан 100дан ортқ тиббиёт масканлари тугатилди. Катталар, болалар (терапевт-педиатр) ва бошқа кўпчилик тор мутахассис шифокорларни қайта-қайта, бошида 3 ой, кейин 6 ой етарли эмас деб топилиб, 9 ой ва ниҳоят, 11 ой давомида ишдан ажралмаган ҳолда (албатта, давлат ҳисобидан) умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлаши учун ўқитилди. Уларга поликлиникаларда умумий амалиёт шифокори сифатида бир вақтнинг ўзида чақалоқлар, болалар, ўсимирлар, катталар, аёллар ва ҳомилдорларни барча тор мутахассислар ўрнига қўриқдан ўтказиб, барча зарур муолажаларни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Аслида, бу вазифани ҳеч қайси умумий амалиёт шифокори нафақат назарий-амалий, балки жисмонан бажаролмаслиги олдиндан маълум эди.

Ушбу қийинчиликларни янада мураккаблаштирган яна бир омил тиббиёт олийгоҳларини тугатаётган ёш шифокорларнинг дипломига тўғридан-тўғри умумий амалиёт шифокори мутахассислиги таъғини босиб (аслида, жаҳон амалиётида бу мутахассислик 2-3 йилдан кейин берилди), соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини – поликлиникаларга ишга жалб қилиниши билан биргаликда, ўз касбини умумий амалиёт шифокори алмаштиришни истамасдан барча тор мутахассисларни туман марказий поликлиникаларига ўтказиб юборилиши бўлди. Бу эса аҳолида норозилик уйғотди.

2016 йилдан бери Президентимиз юқори даражали мутахассисларни, профессор-доцентларни амалий тиббиётимизга кўпроқ жалб қилишни, уларга етарли шароитлар, маошлар берилишини талаб қилиб келмоқда. Аммо шу кунгача деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Буни исботлаш учун узокқа боришимиз ҳолати йўқ. Мен 16 йилдан бунён пойтахтимиздаги 43-поликлиникада (ҳозирги №29) ишлаб келяпман. Аммо шу кунгача беморларни қабул қилиш учун минимал шароити бўлган хонага ҳам, тиббий ҳамширага ҳам эга эмасман. Уриндош бўлганим учун тиббий даража унвоним, 36 йиллик иш стажим ҳисобга олинмади. Шу кунгача поликлиникада энг кам ойлик маошми мен оламан (670 минг сўм).

Аксариат поликлиникаларнинг асбоб-ускуналари, лаборатория таъминоти қониқарли даражада эмас. Бунинг натижасида оилавий поликлиникаларда давлат белгиланган стандарт талаблари бўйича бирон-бир касаллик ташхис қўйиш учун етарли даражадаги шарт-шароит яратилмаган. Ҳаммага маълумки, поликлиникага мурожаат қилган беморга умумий амалиёт шифокори камида 2 та жойга бориб, текширишлардан ўтиб келишга йўлланма беришга мажбур. Бу эса маҳаллий аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муаммоли тизим давлат поликлиникаларидаги стоматолог хизматларидир. Шу кунга қадар ҳеч қандай сертификат-лицензияга эга бўлмасдан, қўлбола, паст сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда уй шароитида ясаётган ҳар хил тиш қолиқларининг беморларга қўйилиши қанчалик аҳолига соғлиқига зарар етказётгани маълум бўлса-да, бу ноқонуний фаолиятга чек қўйилмапти. Соғлиқни сақлаш тизими ва поликлиникалар раҳбарлари ўз манфаатларидан кўра аҳоли саломатлигини устун қўя олганларида, поликлиникалардаги стоматологик хизматларни тартибга солиш, қонунлаштириш умуман қийин иш эмас эди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция шу даражага етганки, айримлар ўз касбдошларини ҳам аяб ўтirmайди. Бунга бир мисол. Шу кунларда бир шифокоримиз ўт-тош касаллиги хуружи билан 1-Республика клиник шифохонасига мурожаат қилганида, у ердаги ҳаммаси УЗД текшириши учун 100 минг сўм, операция учун эса 4 миллион сўм талаб қилган. Бу шифохонада бир кунда 100 дан зиёд УЗД текширишлари ҳамда ўнлаб операция амалиётлари амалга оширилишини ҳисобга олсак, қанча маблагнинг қимларга тақсимланаётгани аниқлаш қийин эмас. Ҳеч кимга сир эмаски, поликлиникаларимизга илк бор мурожаатингизнинг ўзида ҳамширалар ёрдамида инсталланган тиббий маълумотни ўртача 50-100 минг сўм атрофида сотиб олишингиз мумкин. Касаллик варақаларини очиб ва уларни чўзиш борасида назорат йўқлиги оқибатида аксарият ишхона ходимларининг касаллик варақаларининг асосланганлигини текшириш учун оилавий поликлиникаларга ўз вақиларини юборишга мажбур бўлишмоқда.

Бундан ташқари, давлат поликлиника ва шифохоналаримизда бош шифокорларнинг шайх ташаббуси билан «Умумий шифохона фондлари» ташкиллаштирилиб, ойма-ой ходимлар маошидан (50-100 минг сўмдан) пул йиғилиши коррупциянинг очик қўриқларидан биридир.

Ислохотларга салбий таъсир этиб келган яна бир омил раҳбарларни танлаш ва тайинлаш тизимидир. Мен 1996 йилдан бунён Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўтказиб келган кўлаб сўхбат ва танлов аттестацияларини кузатиб, умуман раҳбарларни тайинлашда 3 та коррупцион тамойил аъёна бўлиб қолганига амин бўлдим:

- ротация – шароитдан келиб чиққан ҳолда муайян вақт ўтган, раҳбарларнинг жойларини алмаштириб туриш;
- қайта тайинлаш – ишдан бўшатилган, 1-2 йил ўтиб, «шов-шув» босди-босди бўлган, бошқа жойга раҳбарликка тайинлаш;
- ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Ишончли захира – юқоридаги иккала тамойилни ҳам қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатиладиган йўриқнома ҳисобланади. Бунга номзодлар, бошқармаларда таъриб ортириб юрган, раҳбарларнинг қариндошларидан бўлган, «муомала санъатини» яхши ўзлаштирган ходимлар орасидан раҳбар лавозимларига тайинлаш.

Шахсий фикр



«Ishonch»га жавоб берадилар...

Тўғри танқид қилинган

«Ishonch» газетасининг 2020 йил 12 мартдаги сонидан «Жаноб ҳеч ким ёхуд миллий киноларимиздаги касбсиз бош қаҳрамонлар» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда миллий кинематографиядаги қатор муаммолар, айниқса, хусусий студияларда суратга олинган фильмларнинг бадий-ғоявий савияси ҳақида мулоҳаза юритилган эди.

Мақолага «Ўзбекино» миллий агентлиги куйидагича муносабат билдирди: Муаллиф тилга олган аввалги йилларда яратилган «Юрак йўл» (режиссер Акрот Шахназаров), «Аёл макри» (режиссер Аҳад Қано) фильмлари ҳамда «Қадам» (ЎЗТВ махсулот) сериалида ҳақиқатан ҳам бадий жихатдан бир қатор нуқсон ва мавҳумликлар мавжуд бўлиб, улар миллий кино санъати ривожига хизмат қилмаслиги аниқ.

Шу билан бирга, 2019 йилга қадар кинематография соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари (хусусий студиялар) ўз маблағлари ҳисобига суратга олган фильмларга рухсатнома бериш «Ўзбекино» миллий агентлиги ваколатига кирмаганини айтиб ўтиш лозим. Ушбу ваколат Вазиранг Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги фильмнинг оммавий намойишини амалга ошириш учун бир марталик рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашга оид қарори билан берилган бўлиб, бугунги кунда агентлик ҳузурда фаолият кўрсатаётган Экспертлар кенгаши фильмларнинг бадий, ғоявий, тарбиявий ва эстетик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратаётганини маълум қиламиз.

Ш.РИЗАЕВ,
«Ўзбекино» миллий агентлиги
Бош директорининг биринчи ўринбосари

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi



«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темура МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўйича), Меҳридин ШУКУРОВ, (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Халтар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Хўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-98-44
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов

Саҳифаловчи:
Х. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 21:30

Газета офсет усулида,
А-2 форматда чиқарилади.
Ҳажми 2 босма табақ,
Бюрогма Г – 717.

27953 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳорси келишидан нарҳда

Манзиллими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқарилади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shang» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарувида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021.0000.0004.3052.7001,
АТИБ «Ipteka bank»
Яшновоб филиали,
Банк коди: 09059,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130

«Газетада мақола чиқармоқчиман»

Хар куни эрталаб ишга отланганимда катта йўл бўйида уймалашиб турган одамларга кўзим тушди. Бирорта машина тўхтади, «отдан қолма байталиш» қабилида унга югурди.

– Гишт теришини? Қалпоқ қилиб ташлайман!
– Девоқ оқлаш, дедингизми? Муаммо йўқ.
– Ковун чопиғимми? Дехқонимиз, дала бошида туғилганми?
Мардикорлар ана шу тариқа қўлларидан келган ишларни айтиб, мақтанашади. Уларни эрталаб Нораский мардикор бозоридан истаганча топшингиз мумкин.
Ишхонага келсам ҳамкасбларим галати гап айтиб қолди. Туманлардан таҳририятга мардикор излаб келган эмиш.
– Бэ, ёлгон ҳам эви билан-да! Таҳририятда мардикор нима қилсин? – дея ҳамкасбларимнинг оғзига уриб турганим, эшигим қаттиқ тақиллаб қолди.
– Кириш! – дейишим билан узун-қисқа бўлиб, аёл-у эркак кириб келди. Ҳамкасбларим сирли жилмайганларича хонани тарқ эйтишди.
– Хизмат! – дея меҳмонларга юзландим.
– Сиз таълим бўлимини бошқараркансиз. Аелимиз мактабда чет тилидан дарс беради. Болаларнинг барини инглиз тилига ўргатиб ётибди. Барака топгурлар, ажнабий тилда бирим чулдирашади,



бирим чулдирашади. Ҳавасинг келади. Ешим ўтиб қолди-да, бўлмаса ўзим ҳам чет тилини ўрганиб олардим. Шу денг, газетага мақоласи чиқса, аелимининг тоифаси ошишига ёрдам берармиш. Атайлаб Боёвудай жойдан йўл босиб келдик, – узок найналди сўхбатдошимиз.
– Яхши. Аелингизнинг мақоласи билан танишиб чиқайлик. Газета талабига жавоб берса, албатта, босамиз.
– Жавоб беради. Сиздай ўткир қалам соҳиб эвади-ю, жавоб бермайдими?
– Унинг гапларини эшитиб анграйиб қолдим.
– Аелингиз ҳақида мақола ёздиранми?
– Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Бироқ масалага сал бошқачароқ ёндашамиз. Сиз аелимининг номидан газе-

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мулоҳаза ва тақлифлар муаллифининг шахсий фикрларидир. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, оидинлашади. Соҳа мутахассисларида бу борада бошқа мулоҳазалар, фикрлар ва далиллар бўлса, таҳририят уларга ҳам минбар беришига тайёр.

Яшар РАСУЛИЙ

уддалайди-ю, мақола ёзишга йўл бўлсин! Ҳатто дафтарларни текширганда аълочи ўқувчиларни хашарга чақиради...
– Жа, унчалик беҳафсала эмасдир!
– Қишлоқ мактабларини биласиз. Кўпиди чет тили ўқитувчиси етишмайди. Олийгоҳни амал-тақал қилиб битирган кишига ҳам дарс соати етарли. Ҳарқалай, дипломнинг ҳурмати бор-да!
– Наҳот, аелингиз ўз тажрибалари ҳақида бир бет қоғоз қоралаб беролмас...
– Қоралашга қоралайди. Бироқ тушунармикансиз? Чумчуқ сўйса ҳам қасосб сўйсин, деган гап бор. Утган йили ўғлимизга ёздириб келгандик, ўтмади. Аелимизнинг кўнгли чўкди.
– Аслида, аелингиз ҳақида памфлет ёзиб керак экан.
– Бу ёғи ҳимматингизга боғлиқ. Памплет ёзасизми, мақола ёзасизми? Устаси Сиз бу гапларга тишмиш ўтмади. Газетада қачон чиқади? Гонарари билан қачон келайлик?
– Келишингиз шарт эмас. Манзилли-

гизни қолдириш. Почта орқали жўнатиб юбораман.
– Ана, кўрдингми, хотин! Яхши одам экан. Қалам ҳақи ҳам сўрамади. Пул ёнга қолди.
– «Дилбар» сўхбатдан кейин бошимга орқик кириб ўтирдим, эшитим яна тақиллаб қолди. Ижозатим билан икки аёл узун-қисқа бўлиб кириб келди.
– Таълим бўлимининг мудури сизми?
– Ха, нимайди?
– Сизга мақола ёзиш учун бюуртма бергани келувдик.
– Янги газета очдиларингми?
– Йўқ, атайлаб Сирдарёдан йўл босиб келдик. Газетада мақола чиқаришимиз керак экан.
– Ёзиб келинг, ёрдам берармиз.
– Бирга ёзасан-чи?
– Тепа сочим тикка бўлиб кетди. Хонамдан қувиб чиқармоқчи бўлдим-у, шайтонга ҳай бердим. Ҳарқалай меҳмон-да!
Мўхаммадали АҲМАД

P/S: Бу воқеа ўтган ҳафта содир бўлди. Ўз фикрини қозғата туширишни эплогламидан ўқитувчилар таҳририятимизга наҳот истаб тез-тез келиб туришади. Акане қарағай муаллимларни жуда хурмат қиламан. Бироқ жамиятимизда ўқитувчининг нуфузини кўтаришга нечоғлиқ ҳаракатлар бўлаётганига қарамай, ҳали-ҳамон ўз устида жиддий ишларни истамаётган устозларнинг борлиги ачинарли, албатта.